

МАЪНАВИЙ ЭХТИЁЖЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жамшид Азимович ЖАББОРОВ

таянч докторант

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

jamshidshoh@gmail.com

Аннотация

Мақолада маънавий эҳтиёжларни юксалтириш учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг муҳим омили эканлиги ёритилган. Шунингдек, “Ренессанс” атамаси, биринчи ва иккинчи Ренессанс давлари, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси ва унинг маънавий эҳтиёжлар ривожланиши билан ўзаро муштараклиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан илмий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлари: эҳтиёж, маънавий эҳтиёж, Ренессанс, ўзликни англаш, ахлоқ, эстетик эҳтиёжлар, жамият, билиш.

ПОВЫШЕНИЕ ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР В СОЗДАНИИ ФУНДАМЕНТА ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

Жамшид Азимович ЖАББОРОВ

базовый докторант

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

jamshidshoh@gmail.com

Аннотация

В статье подчеркивается, что повышение духовных потребностей - важный фактор в создании фундамента третьего Ренессанса. Также, анализируется с социально-философской точки зрения термин «Ренессанс», идея создания первого и второго Ренессансов, основы третьего Ренессанса и его взаимодействия с развитием духовных потребностей.

Ключевые слова: потребность, духовная потребность, Ренессанс, самосознание, мораль, эстетические потребности, общество, познание.

Ҳар қандай жамият ўзига хос пасайиш, турғунлик ва юксалиш даврини бошидан ўтказди. Инсоният тарихига назар ташласак, қадимги Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиё, Қадимги юнон, Рим, Византия маданиятлари ва ҳокимларнинг бир вақтлар гуллаб яшнагани, маълум даврларда таназзулга учраб тарих саҳнасидан тушиб кетгани, ёки

махдудлашиб ривожланмай қотиб қолгани, кейинчалик яна янги эътиқодий асосларда қисман ёки кенг қайта уйғониб, ривожланганлигига гувоҳ бўламиз. Кишилиқ маданияти тарихи ҳам, минтақавий ва миллий маданиятлар тарихи ҳам ҳеч қачон бир чизиқли, бир текис кечмаган.

Қайта уйғониб, ривожланиш кўлами ва аҳамияти жаҳон маданиятида алоҳида улкан ўрин эгаллаган ҳодисалар бош ҳарфлар билан ёзиладиган Ренессанс деб аталиши фанда қабул қилинган.

Ренессанс сўзи франсузча – *renaissance* – “қайта туғилиш”, латинча – *rinascita* – “қайта туғилиш”, “уйғониш” деган маъноларни билдиради. Ушбу атама дастлаб XIV аср охирида Италияда бошланган ва XVII асргача давом этган Европа маданияти юксалишига нисбатан қўлланилган. Бу даврда адабиёт, санъат, илм-фан, таълим-тарбия, умуман, жамият маданий ҳаёти узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланган. Гуманизм ғояси асосида ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига кўтарилган. Атама илк бор XVI асрда яшаган италиялик олим ва рассом Жоржио Вазари томонидан ишлатилган [2]. Илмий атама сифатида эса XIX аср ўрталарида икки маданиятшунос олимлар: Якоб Буркхардт ўзининг “Уйғониш даврида Италия маданияти” [6] ва Жюл Мишел “XVI асрда Франция тарихи: Ренессанс” номли асарларида “Ренессанс” атамасини қўллаганлар. Кўплаб ғарб олимларининг асарларини таҳлил қилиб кўрганимизда улар томонидан уйғониш даври сифатида XIV-XVI аср Европа маданияти эътироф этилган. Европа Уйғониш даврида адабиёт ва тасвирий санъат ривожланиши етакчилик қилган. Ренессанс арафасидаёқ бу тенденция Италияда яққол юзага чиққан. Тасвирий санъатда Жотто ди Бондоне, адабиётда Данте Алигьери ижоди бунга мисол бўла олади. Европа Уйғониш даврида Петрарка ва Бокаччо, Лопе де Вега ва Сервантес, Рабле, Милтон, Уйғониш даври охирида Шекспир каби атоқли адиблар ижод қилган. Тасвирий санъатда Леонардо да Винчи, Микелъанжело, Рафаел, Тициан, Дюрер каби даҳолар инсон кадр-қимматини мутлақо янги сифат босқичига кўтардилар. Лекин бу давр илм-фани – табиий, гуманитар ва аниқ фанлар

ривожланиши учун ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаган IX-XI аср Марказий Осиё илм-фани ва маданияти ҳақида ҳам жаҳон олимлари “Уйғониш даври” атамасини қўллаш лозимлигини таъкидлашади. Хусусан, Германияда машҳур швейцариялик шарқшунос, арабшунос, Базел университетининг шарқ тиллари кафедраси профессори марҳум Адам Мецнинг 1922 йилда “Мусулмон Ренессанси” номли асари чоп этилган. Аммо Адам Мец нега “ислом Ренессанси” атамасини қўллаганига изоҳ бермаган. Олим IX-X асрлардаги араб халифалиги, ундаги маданий-маънавий ҳаёт, сиёсат ва бошқарув, солиқ тизими, қонунлар, диний удумлар, шаҳар ҳаёти, байрамлар, ҳаттоки, денгиз ва дарё йўлларини кенг ўрганган ва бу асарда ўз ифодасини топган [4]. А.Эркаев таъкидлаганидек, шундан сўнг Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Олим Ренессанс фақат европача ҳодиса эмас, балки умуминсоний ҳодиса эканлиги, қадимий маданиятга эга халқлар ҳаётида турли кўринишларда юз берганини таъкидлайди [5]. Россиялик буюк шарқшунос академик Н.И.Конрад Ренессанс VII-VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркираб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача кечган, дея таъкидлайди [3]. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди [5].

Шарқ Уйғониш даврининг асосий вакиллари бизнинг аجدодларимиздир. Улар яратган бой илмий-маданий мерос, айниқса математика, астронимия, табиий фанлар – кимё, физика, тиббиёт ҳамда гуманитар фанлар, “Ислом ахлоқи ва тарбияси”, “Ислом ҳуқуқи” узок давр мобайнида диний мутаассиблик ва турғунликда турган Европа мамлакатларида XII асрдан таржима қилина бошлаган ва аста-секин чуқур ўрганилган. Бу ҳаракатлар ўз-ўзидан ғарб жамиятида илм-фан ҳамда

маданият ривожланишига пойдевор бўлди. Лекин, XVI асрда ғарбда католик черкови ва христиан ақидаларини ислоҳ қилишга қаратилган Реформация ҳаракати бошланди ва турли ички ва ташқи урушларни келтириб чиқарди. Реформация юз йилдан ортиқ давом этди. Европада реформалар давом этаётган, гуманистик ғоялар табақавий имтиёзлар, нотенглик ғояларига нисбатан танқидий муносабатни шакллантираётган, онгда янги ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда, шарқда, бизнинг мамлакатимиз ҳудудида диний догматизм ва мутаассиблик кучайди. Тожу тахт учун муттасил давом этган курашлар, майда ва йирик тўқнашувлар мамлакат иқтисодиётини издан чиқарди, айирмачилик ва бўлиниб кетишларга олиб келди. Бундай шароитларда вояга етган ёш авлод юксак идеалларни, мақсадларни унута бошлади. Аждодлар яратган бой маънавий-маданий меросни етарлича ўзлаштира ва ривожлантира олмади. Янгиликларга, ижодга нисбатан беписанд қарашлар юзага келди, илм-фан ютуқлари мужассамлашган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш таназзулга юз тутди.

XIX аср иккинчи ярмида Чор Россиясининг Марказий Осиёга юриши ва хонликлар ўртасидаги доимий уруш миллий мустақилликнинг йўқотилишига олиб келди. XIX аср охири XX аср биринчи ярмида яшаган, ўтмишда содир бўлган таназзуллардан теран тарихий хулоса чиқарган жадиidlарнинг асосий мақсади – миллатни қайта уйғотиш, тараққиёт томон буриш эди. Аммо чор ҳукумати ва совет давлати жадиidlар ҳаракатини таъқиб этди, уларга қарши курашди.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи миллий тикланиш ва юксалишга ўтди. Миллатнинг манфаатлари ва келажагидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига эркинлик берилди, инсон олий қадрият сифатида эъзозлана бошланди. Миллий юксалишдан миллий тикланишга ўтиш жараёнида давлат бошқарув тизимидаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ инсонларнинг давлат сиёсатига хайрихоҳлиги ошиб бормоқда. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётдаги реал муаммоларнинг Президент томонидан кўтарилиши ва ижобий ечим топиши халқнинг ўз кучига ишончи

ортиши, фаоллиги кучайишига сабаб бўлди. Жамият ҳаётининг ҳар жабҳасида истиқболли дастурлар амалга оширилмоқда. Соҳаларда қилинадиган ишлар, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, халқаро иқтисодий, ижтимоий, сиёсий фаолият учун аниқ ва тизимли йўл хариталари ишлаб чиқилди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда тараққиётимизнинг пировард мақсади Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш эканлигини таъкидлади [1].

Тарихдан маълумки, ҳар иккала дастлабки ренессанслар 5-10 йил ичида пайдо бўлиб қолмаган, балки аввал илм-маърифат ва гуманизм ривожига бир неча ўн йиллар давомида кучли пойдевор яратилган. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш кенг кўламли демократик ўзгаришлар ва янгича фикрлайдиган инсонларни тарбиялашни тақозо этади. Бунинг учун жуда чуқур таълим ислохотларини амалга ошириш лозим. Шунингдек, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар бир инсон, бутун жамият ҳар томонлама англаб олиши керак. Буюк ипак йўли кесишган Ўзбекистон ҳудуди азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Халқнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо тарихий-меъморий обидалар, буюк алломаларимизнинг асарлари ва кашфиётлари, нодир қўлёзмаларни ўрганиш орқали бугунги авлод вакиллари учинчи Ренессанс пойдеворини яратади.

Жамият ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири – инсонлар маънавий ҳаётини ижобий жиҳатлар билан бойитмасдан, дунёқарашини ўзгартирмасдан ва уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирмасдан янги ғоя ва қарашларни, янада юксакроқ эҳтиёжларни сингдириб бўлмаслигидир. Эҳтиёжлари ўсмайдиган, ғоялари янгиланмайдиган жамиятда ривожланиш ва юксалиш бўлмайди. Демак, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг муҳим омилларидан бири – инсон маънавий эҳтиёжларини юксалтириш, қондириш ва янги эҳтиёжлар вужудга келишига шарт-шароитлар яратишдир.

Қуйида учинчи Ренессанс зарурати билан боғлиқ жиҳатларни таҳлил қиламиз.

Ўзлигини (миллий ўзликни) англашга бўлган эҳтиёж. Инсоннинг энг мураккаб муаммоларидан бири – бу ўзлигини англашдир. Ўзликни англаш кадр-қиммати билган, бошқаларни кадрлаш ҳис-туйғуси ҳам кучли бўлган одамга хосдир. Насл-насаби, ҳаётда ва жамиятдаги ўз ўрни, ҳақ-ҳуқуқлари, масъулияти, фуқаролик бурчини билган инсон ўзлигини англаган ҳисобланади. Ўзликни англаш инсон ақлини таний бошлаган вақтда дуч келадиган муҳим маънавий эҳтиёждир. Миллий ўзликни англаш – Ватан равнақи ва жамият юксалиши учун инсон томонидан қандай имкониятларга эгалигини чуқур англаб етиши, ушбу имкониятларни юзага чиқариш учун ўзини сафарбар эта олишидир.

Ўзлигини англамаган, инсонпарвар ғоя ва қарашларни, талаб ва меъёрларни рад этган, жамият ҳаётида ўз ўрни, ҳақ-ҳуқуқлари, масъулияти, фуқаролик бурчини билмаган инсонлар учун Ренессанс ёки маданий тараққиёт аҳамиятсиздир. Лекин учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун ўзлигини шунчаки англаш, ватанпарвар бўлиш камлик қилади. Ҳар бир шахс ҳам, бутун миллат ҳам барча орзу-истаклари, интилишлари, келажак режаларини учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифасига бўйсундириши лозим. Бу ўзликни англаш тушунчасини янги аниқ қирралар билан бойитади. Бундай жамиятда инсонлар ўртасида бегоналашув, техник қурилмаларга қарамлик, инсоний ғояларнинг заифлашуви, қадриятларнинг емирилиши, моддий-маданий ва маънавий буюмларнинг йўқолиб кетиши каби муаммолар пайдо бўлади.

Бугунги кунда миллий ўзликни англашни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш талаблари даражасига кўтариш учун таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда ва маънавиятга оид фанлар бойитилди, миллий қадриятларимиз ва маданий меросларимиз, буюк алломаларнинг илмий ютуқлари, ихтиро ва кашфиётлари ҳақида кенг маълумотлар бериш учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифалари билан бевосита боғланмоқда.

Демак, биз миллий ўзликни англашни янги сифат поғонасига кўтарилмасдан, учинчи Ренессансни яратиш ҳақида фикр-мулоҳазаларимиз, амалга оширилаётган чора-тадбирлар бефойда эканини тушунишимиз зарур.

Билиш, билим олиш – инсоннинг маънавий эҳтиёжи сифатида кундалик ҳаётда доимо намоён бўлади. Билиш орқали инсон ўзини қуршаб олган атроф-муҳит тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлади, маълум фаолият тури билан шуғулланади. Меҳнат кўникмаларини такомиллаштириш, касб маҳоратини ўстириб, камроқ куч сарфлаб, кўпроқ ёки сифатлироқ натижага эришиши инсоннинг энг фундаментал эҳтиёжларидан биридир. У онгли ёки онгсиз равишда бунга интилади. Мазкур интилиш ироданинг юзага чиқиши бўлиб, инсоннинг табиат ва жамият талаблари, шарт-шароитга мослашувини тақозо этади.

Жамият ривожланган сайин моддий ва маънавий ишлаб чиқариш ранг-баранглашиб боради. Бинобарин, билиш, касбларни эгаллаш, ақлий ва жисмоний меҳнат кўникмаларини такомиллаштиришга нисбатан эҳтиёжлар ўсиб боради.

Замонавий жамиятда эҳтиёжлар ўсиши жуда тезлашиб кетди. Ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиёт, ҳатто смарт шаҳар, сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши билиш жараёнини ўта мураккаблаштириш қаторида унга бўлган эҳтиёжларнинг бошқа эҳтиёжларга нисбатан сезиларли даражада устуворлик касб этишига олиб келмоқда. Жамиятнинг билим даражасини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш орқали мамлакат тараққиётига таъсир кўрсатиш мумкин. Лекин, аввал таъкидланганидек, мазкур эҳтиёж технократик қарашларга мойиллик кучайишига, анъанавий ахлоқий, эстетик ва бошқа гуманитар қадриятларга нисбатан беписандлик кучайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан Ўзбекистонда ёшларнинг илм эгаллашига, жумладан, гумунитар билимларни эгаллашига доир тизимли ишлар йўлга қўйилди. Янги Уйғониш даврида мамлакатда улкан маънавий бойлик яратиш, халқнинг ҳаётини фаровон қилиш ва келгуси авлодлар учун муносиб

мерос қолдиришда таълим-тарбиянинг, маънавиятнинг ўрни беқиёс эканлиги Президент томонидан таъкидланди: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”.

Кишиларнинг *ахлоқий маданиятга бўлган эҳтиёжлари*. Жамиятда мавжуд шахслараро, социумнинг барча тузилмалари ва шакллариаро муносабатлар, одамларнинг жамоа бўлиб яшаши ва меҳнат қилиши, умуман ижтимоий муҳит кўп жиҳатдан ахлоқ томонидан белгиланади. Ахлоқ жамият ҳаётини тартибга солувчи, одамларнинг хулқ-атворини белгиловчи дин ва ҳуқуқ каби муҳим ижтимоий институтдир. Ахлоқ нормалари оила, маҳалла, меҳнат, ишлаб чиқаришда, шахслараро, гуруҳлараро, ҳатто миллатлараро ва ҳоказо алоқаларда одамларнинг ўзаро муносабатларни тартибга солади. Ахлоқий меъёрлар ундовчи (рағбатлантирувчи) ва чекловчи (тақиқловчи) вазифаларини бажариб, одамларнинг кайфияти, хулқ-атвори, кундалик турмуши, келажак режалари ва интилишларига таъсир кўрсатади. Жамиятда инсонлар ўзаро муносабатларга киришганда турли-туман ахлоқий меъёрларга эҳтиёж сезади (салом-алик, уят, ҳалоллик, алдамаслик, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳурмат-иззат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, муросагуйлик, ўзаро ёрдам, меҳр, ҳаромдан ҳазар қилиш, ёлғончи, фирибгар, мақтанчоқ кишиларга салбий муносабат ва шу каби меъёрларга). Ахлоқ инсон маънавиятининг бирламчи асосини ташкил этаркан, одамлар маънавий эҳтиёжларининг ҳам бирламчи асосини ахлоқий эҳтиёжлар ташкил этади. Жамиятнинг адолатли бошқарилиши инсонларнинг ахлоқий эҳтиёжларини қондиради, ўз навбатида қондирилган ахлоқий эҳтиёжлар янги, янада юксакроқ ахлоқий меъёрлар яралишини тақозо этади. Жамият маънавий муҳити яхшиланиши, унинг инсонпарварлик талаблари ўсиши учун хизмат қилади.

Ахлоқ ижтимоий-сиёсий кучга (давлат ва маъмурий органлар кучига) эмас, балки жамоатчилик фикрига таянади. Шу сабабдан ахлоқий талаблар ва меъёрларга одамлар ихтиёрий бўйсунди. Ахлоқий ғоялар, меъёрлар,

тамойиллар умумижтимоий мазмунга эга ва муайян маданият вакилларининг барчаси учун баробар.

Учинчи Ренессанс ғоясини ҳаётга жорий этиш учун жамиятда комилликка интилиш, ташаббус, билимга чанқоқлик, кашфиётлар ва ютуқларни қўллаб-қувватлаш, ҳасад ва гуруҳбозликлардан, маҳаллийчилик каби иллатлардан воз кечиш, эзгуликни байроқ қилиш ахлоқий идеалга айланиши зарур. Бунинг учун аввало ҳалол ва муносиб яшаш, инсонпарварлик, жамиятда юз бераётган ишларга бефарқ бўлмаслик каби ахлоқий эҳтиёжлар шакллантирилиши лозим.

Инсоннинг *эстетик эҳтиёжлари* яратувчилик фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, шу фаолиятнинг маҳсули ҳисобланади. Инсон яратувчанлик фаолияти жараёнида ясаётган буюмларини қулай, бежирим, яъни ўлчовлари, томонлари бир-бирига мос, айна пайтда хомашёдан тежамли фойдаланишга уринган. Булар инсонда уйғунлик ва мутаносиблик, сайқаллаш, тарошлаш ҳиссини ва тушунчаларини шакллантирган. Шундай қилиб, аста-секин эстетик туйғулар, тушунчалар, эстетик мўлжал, эстетик идеал шаклланган. Ҳунармад яратаётган буюмида, фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулотида одамларнинг дидини, гўзаллик талабларини ҳисобга олган. Жамият ривожланиши жараёнида инсоннинг гўзалликка нисбатан эҳтиёжлари узлуксиз ўсган. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралганидан кейин, инсоннинг маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланадиган соҳа – адабиёт ва санъат вужудга келган. Улар халқ оғзаки ижоди ва нозик ҳунарамандчилик негизида пайдо бўлган.

Эстетик эҳтиёжлар ҳам ахлоқ сингари маънавият асосини ташкил этади. Жамият ва инсонларнинг эстетик онги замирида эстетик эҳтиёжлари шаклланади, эстетик эҳтиёжлар ўз навбатида маънавий эҳтиёжлар тизимига киради. Жамият эстетик онги ривожланса, эстетик эҳтиёжлари ҳам мос равишда юксалади. Масалан, адиб, ҳайкалтарош, қўшиқчи, рассом томонидан яратилган асар нафосат талабларига мос келса, уларнинг эстетик эҳтиёжларини қондира олади. Бунинг учун адабий асардаги воқеалар ривож

мутаносиб, уйғунликда ёритилиб, асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати сохта бўлмаслиги, ҳаётий ҳақиқат, юксак инсонпарварлик ғояларига зид келмаслиги керак.

Қондирилган эҳтиёж эса янги маънавий маҳсулот яратиш учун “буюртма” беради. Инсонларнинг маънавий эҳтиёжларининг юксалиши жамият маънавий ҳаёти ривожланишига хизмат қилади. Эстетик категориялар инсонлар учун бирдек моҳиятга эга бўлсада (гўзаллик ва хунуклик, фожеавийлик ва комедиявийлик, юксаклик ва тубанлик), инсонлар жамият маънавий ҳаётида истеъмолда бўлган баъзи маҳсулотларга турлича муносабатда ёндашади. Бундан ташқари, одамлар индивидуал хусусиятлари – маданий савияси, дунёқараши, психологияси, индивидуал қизиқишлари ва манфаатлари ҳам уларнинг эстетик эҳтиёжларига таъсир кўрсатади. Демак, одамларнинг миллий менталитети, диний-этикоди, миллий кадриятлар тизими, индивидуал диди, қарашлари умумий маънавий-маданий савияси уларнинг эстетик қарашлари ва эҳтиёжларини белгилайди. XX асрда аста-секин диний ва ахлоқий қарашларининг эстетик қарашлар билан ўзаро таъсири ҳамда боғлиқлиги заифлаша бошлади. Масалага формал ҳуқуқий ёндашув кучайди. Масалан, кўплаб хорижий мамлакатларнинг кино дўконларида сотилаётган порнографик филмлар аҳолининг маълум ахборот, билимга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулот сифатида таъкидланмоқда. Миллий менталитетимизга мос келмаганлиги учун бу ҳолат халқимиз томонидан маънавий-эстетик эҳтиёжларни қондирувчи маҳсулот эмас, балки ахлоқсизлик манбаи сифатида баҳоланади. Хорижда бундай маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар ўз қилмишларини инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқи, сўз эркинлиги ва шу каби баҳоналар билан оқламоқда.

Эстетик дид – инсоннинг мулоҳазалари, фикрлари, ҳулқи, юриштириши, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, моддий ва маънавий ижоди маҳсулотларида намоён бўлиб, унинг асосида гўзалликни хунукликдан ажрата билиш, завқланиш қобилияти ётади. Эстетик диди ривожланган шахс

кўргазмаларда намойиш этилаётган турли асарларни “шунчаки тамоша” учун эмас, балки ундаги гўзалликни, нафосатни, бадий ғояни кўриш учун ташриф буюради. Бадий асар жамият иллатларини акс эттирганда ҳам унинг инсон табиатига, ахлоқи ва маънавиятга зид эканини фош қилади. “Уйғониш даври”да яратилган бой маданий ва маънавий меросларнинг бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаганлигинг асосий сабабларидан бири уларнинг юксак инсонпарварлик ғоясига мос тарзда ҳар томонлама гўзал, уйғун, композицион камчиликлардан ҳоли, нозик дид билан, инсон маънавий эҳтиёжларини қондира оладиган даражада яратилганлигидир.

Инсонга ҳақиқий гўзалликнинг моҳияти, мазмуни тўғрисида ҳолис ва теран билимлар бериб, гўзалликка интилиш эҳтиёжини ўстириш, эстетик идеалини шакллантириш, шахс ва жамият маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу эса учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга ҳам хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Халқ сўзи. 2020 й., №207 (7709).
2. Вазари Д. Жизнеописания наиболее знаменитых живописцев, ваятелей и зодчих //Переводчик: Габричевский А.Г., Венедиктов А. – Москва: Альфа-книга, 2019. – 1278
3. Конрад Н. И. Средневосточное возрождение и Алишер Навои// Литература и театр. – Москва: Наука, 1978.
4. Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. Изд. 2-е. /Пер. с нем., предисл., библиогр. и указатель Д.Е.Бертельса. Отв. ред. В.И.Беляев. – Москва: Наука, 1973. – 473 с.
5. Эркаев А. Учинчи Ренессанс — миллий ғоя сифатида. //Халқ сўзи. 2020 й., №190 (7692).
6. Jacob Burckhardt. Die Kultur der Renaissance in Italien, 1860